

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.



№ 153 (6. 642) ©

1988 йил 4 июль, душанба

Баҳоси 3 тийин

КПСС XIX БУТУНИТТИФОК КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШИ ҲАҚИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 1 июлда кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет Бош секретари М. С. Горбачев раислик қилди.

Делегатлар М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилдилар.

Доклад юзасидан музокараларда КПСС Татаристон об-ласть комитетининг биринчи секретари Г. И. Усманов, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Вялас, Совет хотин-қизлари комитетининг раиси З. П. Пухова, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачев, СССРнинг ГФРдаги факултетида ва мухтор элчиси Ю. А. Квинцкинский, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Нисов, «Правда» газетасининг бош редактори В. Г. Афанасьев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Шу билан доклад муҳокамаси юзасидан музокаралар тугади.

Музокаралар охирида делегатлардан М. И. Калинин жамиятида Свердловск машинасозлик заводи партия комитетининг секретари В. А. Волков, Москва шаҳридаги «Серго Оржоникидзе номида станоксозлик заводи» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Н. С. Чикрев, КПСС Москва шаҳар Пролетар район комитетининг биринчи секретари И. С. Лукин сўз олдилар.

Улар Б. Н. Ельцин ҳамда унинг конференциядаги нутқи нисбатан ўз муносабатларини билдирдилар.

Сўнгра делегатлар конференция Резолюциялари лойиҳаларини муҳокама қилишга киришдилар.

«КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида» ҳамда «Совет жамиятининг демократиялаш ва сиёсий системани ислоҳ қилиш тўғрисида».

«Бюрократизмга қарши кураш тўғрисида».

«Миллатлараро муносабатлар ҳақида».

«Ошкоралик тўғрисида».

«Хуқуқий ислоҳот ҳақида».

Комиссияларда муҳокама қилинаётган ҳужжатлар юзасидан музокараларда 150 киши сўзга чиқди.

Комиссиялар раислари: КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети секретари Е. К. Лигачев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети секретари А. Н. Яковлев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико конференция Резолюцияларини тайёрлаш комиссиялари иши тўғрисида маълумот бердилар.

Резолюциялар лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама қилингандан сўнг тузатиш ва қўшимчалар қабул қилинди.

Ўртоқ М. С. Горбачев конференцияда якуловчи нутқ сўзлади. Конференция президиумининг тошпиригига мувофиқ М. С. Горбачев «Мамлакат сиёсий системаси ислоҳотини амалга оширишга оид кечиктириб бўлмайдиган баъзи тадбирлар тўғрисида»ги Резолюцияни қабул қилишни таклиф этди. Резолюцияни делегатлар бир овоздан қабул қилдилар.

КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси ёпиқ, деб эълон қилинди.

Партия Гимни — «Интернационал» янгради.

СИФАТ УЧУН ЖАВОБГАРМИЗ

Комбинатимиз уйсоzlари бу йил ҳақиқатларимизга Юнус-обод массивининг 3-кварталда 103 минг квадрат-метр уй-жой қуриб берадилар. Бу 20дан ортқ замонавий уй-демакдир. Бош пудратчи бригадамиз бўйбқорлари аш оилаларга ана шундай ҳақиқий қувончини улашш учун барча куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар. Ҳар бир резервага алоҳида эътибор берилмоқда. Сифат учун кураш ҳам оммавий тус олапти. Ҳозир бу ерда 108 квартиралли 9 қаватли уйини бўйбқ эътиямиз. Қурилиш-монтаж ишларини пухта олиб боришимизда Н. Злобин методиди асосда ишлаш қўл келаяпти. Бу усулга ўтган йили ўтандик. Унинг самараси қувончли натижаларни берапти. Хўжалик шартномасида кўзда тутилгандек қурилиш-монтаж ишларини графикадан ўзган ҳолда олиб бораёламиз. Бригадамиздаги 26 қурувчининг барчаси 2—3 тадан турдош касбларни эгаллаб олган.

Яшириб ўтirmайман. Очигини айтганда, илгери бизда меҳнат интизоми масаласи кўнгилдагидек эмасди. Комбинатимизда барча иш босқичларини сифат кафолати паспорти билан топириш жорий этилган, ҳар бир кишининг топирилган иш устасига бўлган масъулияти янада ортди. Белгиланган талабларга жавоб беришни эътибор олимоқдаларга ангина ишлаш йўллари ўргатилди. Акс ҳолда улар коллективдан кетишга мажбур бўлидилар. Бу эса қолқоларсиз ишлашимизга йўл очди. Қолаверса, кунини кеча ўз ишини якунлаган XIX Бутуниттифок партия конференциясида айтилган гаплар ҳам биздан ана шундай ишларни талаб этимоқда.

М. УМИРОВ,
1-уйсозлик комбинати қурувчиси.



Истиқбол сари

Ҳозир «Сен қайта қуриш тарафдоримсан ёки йўқин?» — деган саволга берилган жавобга фақат амалий ишларга қараб япониш мумкин. Шу жиҳатдан олганда, КПСС аъзоси Ольга Мирзакаримованинг қайта қуриш жонқуяр эканлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. У амалда сўз билан иш бирлигини кўрсатаяпти. Бригада бошлиғи, цех касабасоюз ташкилотини раис сифатида фаоллик кўрсатмоқда. Смена топириқларини ортқ билан адо этапти. Шунинг учун ҳам унинг номини Тошкент шаҳар трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг 7-ателъеси чеварлари ҳурмат билан тилга оладилар. У касабасоюз етакчиси сифатида нисон оминини оширишга, ишчлар учун қулайликлар яратилишга катта эътибор бериб келмоқда.

— Бир неча кун мобайнида Совет Иттифоқи Коммунистк партиясининг XIX Бутуниттифок конференцияси ишқини афр қилиш билан кузатиб бордим, — дейди Ольга Мирзакаримова муҳбиримиз билан бўлган суҳбат чоғида. — Айниқса менга Михаил Сергеевич Горбачевнинг доклади жуда маъқул бўлди. Чунончи, унинг енгил саноат тўғрисидаги гаплари менга маъқул бўлди. «Кўп нарса енгил саноати ишга боғлиқ, — деди ўз докладыда М. С. Горбачев. — Ҳозир биз бу тармоқни ри-

вожлантиришга қўл йиллар мобайнида меҳмай қараб келинганининг асосийн тортаяпти. Унинг корхоналарида эскирган машина-ускуналардан фойдаланилмоқда, оғир қўл меҳнати кўп. Мана шуларнинг ҳаммаси унумдорликка, махсулотнинг миқдори ва сифатига, кадрларнинг барқарорлигига таъсир қилмоқда».

Жуда тўғри гаплар. Буни барча енгил саноат корхоналарида қуриш мумкин. Машина-ускуналар эски, унуми йўқ. Қўлгина операциялар ҳали ҳам қўл кучи б-рамидида бажарилади. Бизнинг ателъемизга ҳам замонавий тикувчилик машиналари керак. Ана шундагина биз миқозларнинг ҳақли талабини адо эта оламиз.

— Конференциядан ана қандай таассуротлар олдингиз? — сўраймиз чевар джадан.

— Умуман конференция ошқора руҳда ўтди. Сўзга чиққан делегатларнинг мунозараси қизғин бўлди. Айниқса, мен коммунист сифатида делегатларнинг партиянинг ролини бутун чоралар билан ошириш, унинг позициясини мустаҳкамлаш керак, деган фикрга тўла қўшиламан.

Т. ТОШЕВ.
© СУРАТДА: тикувчи Ольга Мирзакаримова.

Т. Каримов фотоси.

МАМЛАКАТ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИ ИСЛОҲОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН БАЪЗИ ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

КПСС XIX Бутуниттифок конференциясининг Резолюцияси

XIX Бутуниттифок партия конференцияси қайта қуришни чуқурлаштириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия ва жамиятини янада демократиялаштиришга оид йирик қарорларни кенг қўламада муҳокама этди ва қабул қилди. Бу қарорлар мамлакат тақдирини учун гоят катта тарихий аҳамиятга эга бўлиб, қайта қуришнинг ажралмас таркибий қисми ва айна вақтда унинг қудратли тезлаткичидир, улар жамият учун революцион янгиланиш йўлидан ишонч билан бориш, сиёсий авангард сифатида партиянинг ролини мустаҳкамлаш имкониятини яратаяди.

Қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши кечиктириб бўлмайдиган тусдадир, бинобарин, иш манфаатларидан келиб чиқиб, уларни амалга оширишга дарҳол киришиш мумимдир.

Конференция қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

1. Бу йил сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия турмушини демократиялаштириш тўғрисидаги конференция қарорларига амал қилиб, партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси ўтказилсин. Партия аппаратини қайта қуриш шу йилнинг охи-

ригача амалга оширилсин. Партия ва Советлар ўртасидаги вазифаларини аниқ белгилаб олиш тўғрисида қабул қилинган қарорлар эътиборга олиниб, партия аппаратининг структурасига зарур ўзгаришлар киритилсин.

КПСС Марказий Комитетига ана шу мақсадлар йўлида зарур амалий ишларни рўёбга қиқариш тавсия этилсин.

2. Конференция Совет органларини қайта қуришга оид қонун актилари лойиҳаларини, СССР Конституциясига қиратиладиган зарур қўшимчалар ва

ўзгаришларни СССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш, шунингдек 1989 йил апрелида халқ депутатлари сайловини ташкил қилиш ва уларнинг съездини ўтказиб, унда давлат ҳокимиятининг янги органларини тузиш керак деган фикрни билдирди.

Республика Советлари ва маҳаллий Советларига сайловлар ҳамда шу асосда республикалар, ўлкалар, областлар, шаҳарлар, районлар, посёлкалар, қишлоқ жойларида раҳбар совет органларини тузиш 1989 йил кузига ўтказилсин.

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ

КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси ёпилиши чоғида сўзлаган нутқи

Ўртоқлар! Конференция-миз ўз ишини тугатламоқда. Мунозара якунлари юзасидан ҳозиргида қабул қилинган ҳужжатлар, шу қўшқатлар, шу қўшқатлар муҳокамасининг ўзи муфассал ҳулоса қилишга зарурат қолдирмайди. Бироқ конференция шундай миқёсдаги воқеадирки, ўтган тўрт кун мобайнида, биз қилган ишларни жуда қатъий мезон билан баҳолашга эҳтиёж бор.

Бу илгари расмга қўра навбатдаги ҳар бир партия айланиши шанга майтов гаплар айтиш олатига риюа этиш учун керак эмас. Ўйлайманки, XIX партия конференциясининг партия ва мамлакат турмушидаги ўрнини ўзини англаб олиш-миз учун шундай қилиш керак. Партиянинг тарихида катта воқеа рўй берди. (Қарасалар).

Аввало бўлиб ўтган мунозаранинг муҳити ҳақида. Бу — ҳозир коммунистларни, барча совет кишиларини ташвишга солаётган энг муҳим масалалар ҳақида чинакам рўй-рост партиянинг турмуш бўлиб, уларни қизантираётган саволларга жавоблар топишга ҳаракат қилиб қурилди. Съездлар саройида ҳали бундай турмуш бўлмаган эди. Ўртоқлар. Қарийб 60 йилдан

бўён бизда бунга ўхшаш билан воқеа бўлмаган эди. десак ҳақиқатга эид бўлмайди деб ўйлайман. (Қарасалар). Шу маънода биз конференция ленинча руҳда ўтди, унда халқ олдидаги, революция олдидаги юксак масъулият тантана қилди, деб айтишга ҳақликимиз. (Қарасалар). Мана шунинг ўзиёқ унга алоҳида моҳият бахш этади.

Делегатларнинг бениҳоя юксак фаоллигини уқтириб ўтмоқ керак. Шунини айтиш керакки, биз мураккаб вазиятда қолдик. Чунки мунозараларда сўзга чиқиб учун ёзилганларнинг ўзи 300 кишига етай деб қолди. Афсуски, уларнинг ҳаммалари сўзга чиқа олмадилар, бироқ редакция комиссиясининг мажлисларида фикр билдириш эҳтиёжи бирон-бир тарафда қондирилди — у ерда 150 га яқин киши сўз олганини сизларга айтган эдим. Биз учун янги бўлган мана шу иш формаси, бу ишда умуман конференция делегатларининг қарийб ўндан бир қисми қатнашганлиги мунозара давомида тутилган қўшқина конкрет масалаларни ишчанлик билан қўриб чиқиш ва уларнинг ечимини топиш имконини берди.

Энди ишимизнинг мазмунини ҳақида. Унинг бош ичун шундан иборатки, КПСС Марказий Комитетининг Тезислари асосида бутун партия, бутун халқ муҳокама

қилган. Сўнгра эса шу залдаги қўшқин мунозара мавзуси бўлган барча тўб масалалар юзасидан программавий сиёсий позицияни ишлаб чиқилди. Бундан ташқари конференция Марказий Комитет қиритган таклифларни шунчаки маъқуллаб қолмай, айна вақтда партия ташкилотларининг тажрибаси билан бу таклифларни анча бойитди. Шундай демократиклиқ билан партия коллективларининг тажрибаси билан бу таклифларни анча бойитди. Шундай демократиклиқ билан партия коллективларининг тажрибаси билан бу таклифларни анча бойитди. Шундай демократиклиқ билан партия коллективларининг тажрибаси билан бу таклифларни анча бойитди.

Моҳият эътибори билан конференция ҳозирги босқичда партия билан мамлакат олдида турган муаммоларнинг бутун комплексини қамраб олди. Аммо мунозараларда ва биз қабул этган қарорлардаги энг муҳим жиҳат таъкидланган бўлса, қуйидагиларни айтган бўлур эдим. Партиянинг сиёсий авангард сифатидаги рол масаласи конференциянинг

моқда. Ростини айтлайки: буйруқбозлик — маъмуриятчилик системаси шаронтида, партия аппарати ҳамма соҳада на ҳамма ишда фармоиш бериб келган бир пайтда қўшқинча: партия комитети ва партия секретариининг ҳақиқдаю, энг яхши деганда, «лавозимнинг обрўйи» қаерда эканини билиб олиш қийин эди, зарурат тақозоси билангина унга бўйсунар эдилар.

Қайта қуриш, сиёсий системани ислоҳ қилиш принципал янги вазиятни вужудга келтиришга шақшубҳа йўқ, ўртоқлар. Янги шаронда партиянинг раҳбарлик ролни ҳар сафар конкрет ишлар билан қайтадан «исботланиши» лозим бўлган реал обрў билан белгиланади. Шу босондан ҳам биз партия аъзоларининг андақкина бўлсада пассивлигини бартараф этишимиз ҳаётин заруратдир. Ҳар бир коммунист қайта қуриш учун, жамиятнинг революцион янгиланш учун қуришни бўлиши керак. Бу эса конференциянинг энг асосий нақизи бўлсин. (Қарасалар).

Умуман, ўртоқлар, конференция Марказий Комитет

(Давоми иккинчи бетда).

Насросат гулшани

Усмон Носирнинг 75 йиллиги олдидан

У ю л д у з э д и

Ўзбек совет шеърларида Усмон Носирнинг номи алоҳида ўрин тутди. У адабиётта 30-йилларда кириб келди. Иккидан ўзбек шеърининг чароғи эди. Ўша йиллардан то шу кунларга қадар унинг ёруғ шеърини мухлисларининг сафи кенгаймоқда. Унинг шеърини ҳаммаша ёш, ҳаммаша навқирон шеърини бўлиб қолди. Покиликка, ҳақиқатга интиланлиги учун, қисқа иккидан билан кўп дилларни маҳлиё қилганлиги учун, Ватанга бўлган садоқатини куйлагани учун абадий барҳат қолди.

Усмон Носир 1937 йилгача мухлисларига бешта шеърини тўплам ҳақида эди. Булар «Қуёш билан суҳбат», «Сафарбар сатрлар», «Тракторбод», «Юрак» ва «Меҳрим». У адабиёт майдонига кўп вақт жавлон урғулди. Фахратига 24 ёшгача ижод қилди, холос. Лекин шундай ижод қилдики, унинг асарлари аяиб ҳазинага, Ўзбек халқининг мулкига айланди. Усмон Носир рус шоирлари Пушкин ва Лермонтовнинг «Боқчасор» фонтани ва «Демон» поэмаларини Ўзбек тилига таржима қилди. Бу таржималар юксак шеърининг ажойиб намунаси бўлиб қолди.

Усмон Носир 1938 йилда 10 йилга ҳукм этилди ва Магадан областида сургун қилинди. У ердан шоир ота-онасига ва сингилларига Ўзбекистон Езувчилар союзига ўзининг қўлэмаларини юборганлиги ва улардан хабар олиш кераклигини илтимос қилиб хат ёзди. Лекин қўлэмалар топилмади...

1956 йилда Усмон Носирнинг номи оқланди. Унинг шеърлари яна баралла янғирай бошлади.

Усмон Носир Кемерово области, Маринск районидagi «Первомайск» қишлоғи (у пайтларда бу қишлоқ Суслово деб аталаркан) туғилган. 1944 йил 24 мартда дафн этилди. У 32 ёшида вафот этди. Ўзбек шоири Усмон Носирнинг қабрига 1987 йил 16 июль кунини ёдгорлик қўйилди. Бу ёдгорлик халқнинг унга бўлган буюк ҳурмати, муҳаббатининг рамзи сифатида ўрнатилди. Шоир ўз халқининг дилида ҳаммаша барҳатдир.

Шоир Усмон Носир ҳақида ўйлар эканман, Уйғуннинг шоир Ҳамза Ҳакимзода Нисеийга бағишланган шеърдаги сатрлар беихтиёр ёдимга тушди:

Уни ўлдирганлар билмади:
Муқим эмас уни ўлдирмоқ!
У-чи? Кўркан бўлиб шеърининг
Ўтирибди кўр тўкиб турди.

Нодира РАШИДОВА.

РЕДАКЦИЈАДАН:

Қуйида шоир Усмон Носир таржима қилган, унинг тўпламларида кирмаган, ўқувчиларга нотаниш таржима ва шеърини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз. Иккала асар илк бор «Ёш Ленинчи» газетасида 1935 ва 1936 йилда эълон қилинган.

Усмон НОСИР

Имтиҳон ишқиди...

Ҳавола сузадир
Парча булутлар
Ой нурини қилиб ўзига ланта...
Китобдаги жумлаларга
Тиклиб кўзим
Дарсларни ўқиймиз
Шу гузал пайтда...
Ўқиб на ўрганишдан
Тўймас кўзимиз.
Юзимизда ўйнар ярқироқ
нурлар.

Бахтимиздек
Чарақлаб ёниб
Ўтаётир бизнинг бу кунлар.
Мудрамас кўзимиз
Сатрлар устида.
Сатрлардан
Кўзим олганда
Бош ётиққа тегар
Ҳар кунги саҳар...

Самарқанд, 1934 й.
12 декабрь.

Шоир юбилейига тарадуд

Ўзбекистон Езувчилар союзи правленияси секретариатининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Ўзбек совет шеърининг кўзга кўринган намуналаридан бири — Усмон Носирнинг 75 йиллик юбилейини шу йил сентябрь ойида ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шу таъдир юзасидан юбилей комиссияси тузилди. Комиссияга раис — Туроб Тула, раис муовини — Наим Каримовлар белгиланди.

Мирмуҳсин, Ўткир Рашид, Муҳаммад Солиҳ, Жуманиёз Жабборов, Иброҳим Гафуров, Бахтиёр Назаров, Мукаррама Муродова, Хуршид Давронов комиссия аъзолари бўлишди. Нодира Рашидова комиссиянинг масъул котиби этиб тайинланди.

Юбилей муносабати билан тузилган тадбирлар орасида Усмон Носирнинг хонини Чилга қабристонига рамзий дафн этиш, Қўқон шаҳрида

шоирнинг уй-музейини ташкил қилиш, шоир ҳақида ҳужжатли фильм яратиш каби масалалар бор.

Усмон Носирнинг юбилей комиссияси ва «Тошкент оқшоми» газетаси редакцияси барча ҳамшаҳарларимизга мурожаат қилиб, шоирнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган хотира, хат, буюм, фотосурат, ҳужжат ва қўлэмаларни юборишларини илтимос қилади.



Тингланг, қўшиқ айтаман.
Ойжоним яхшидир.



Мен куй чалганда бутун олам ором олади.

«Ичидан пишган қиз»

Экранда йирик планда бош қаҳрамон Нодира пайдо бўлади ва тасвир қўтилмаганда иккига ажралиб кетади. «Ўзбекфильм»да суратга олиб бўлинган Юсуф Азимовнинг «Ичидан пишган қиз» фильми шундай бошлади.

Фильм бош қаҳрамони Нодира мактаб ўқувчиси, 13—14 ёшлардаги қиз. Шубҳасиз, бу давр болалигининг энг мураккаб босқичи. Нодира улғайгани сайин ҳаёт ўзи ўйлаганидек оддий, эртаклардаги каби чиройли эмаслигини идрок эта бошлайди. Ундаги покиза қалб турмушдаги ноҳақликлардан қаттиқ азобланади. Натияжада унинг вужуди иккига «айрилади»... Болабанабат, ишонувчан Нодира билан воқеликка катталардек жиддий қаровчи одам пайдо бўлади. Шу йўсинда картинада бутунги кун учун муҳим бўлган маънавий-ахлоқий муаммолар илгарини сурилади.

Фильмда турғунлик давридаги ҳолатлар ҳам дадиллик билан суратга олинган. Эпизодларнинг бирида эскурсига чиққан автобус тўхташиб, болалар қандайдир қора илпия кийган одамлар томонидан туширилади. Бир зумда ҳамма ўқувчига этак

Янги фильмлар



берилиб, мажбурлаб пахта тердиртирилади. Бир вақтлар расм бўлган бундай беъиз одатлар фильмда ўзининг ажойиб ифодасини топади.

Фильмдаги ҳар бир воқеа шу сингари ўткир киноташбеҳлар орқали ифодаланган.

Фильм режиссёри Юсуф Азимовнинг кинодаги биринчи иши. Фильмдаги асосий қаҳрамон Нодира 6-синф ўқувчиси Гузала Аминованинг кинодаги илк ролидир.

Мавлуда ИБРОҲИМОВА.

СУРАТЛАРДА: фильмдан кадрлар.

Х. Ҳасанов фотолари.



Китоб жавонингизга

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти қуйидаги китобларини нашрдан чиқарди:

Дўстлик кутубхонаси сериясида чоп этилган навбатдаги китоб — Афғонистонда Сарв инқилоби галабаси учун жонини фидо қилган бөрча қаҳрамонларга бағишланган бўлиб, номи «Пинҳона жанг» деб аталган.

Бу китоб муаллифи рус совет ёзувчиси, Фадеев номидаги адабий мукофот лауреати Ким Селиховдир. Асарнинг бош қаҳрамони Амин қамқоҳонасида азиз чекин кишилардан бири. У халқ ҳокимиятини сақлаб қолиш учун курашган дўстлари билан қамқоҳонада империализм агентларининг хийлаю-найрангларини фожалиқ, қийинчиликларни ен-

гиб, галабага эришади. Поэстни рус тилидан Ёқубжон Ҳўжамбердиев таржима қилган.

Адабиётшунос олим Ботирхон Акрамовнинг «Оламнинг бутунлиги» номли китобида Ўзбек шеърининг актуал муаммолари бритаилиши билан бир қаторда Ўзбекистон халқ шоири Миртемир, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов ва Рауф Парфилар ижодидаги ўзига хос хусусиятлар алоҳида таҳлил қилинган.

Адиб ўшбу китоб орқали бўламак адабиётшуносларга лирикада образ муаммосини таққин этиш йўллари очиқ берган.

Саломат АЗИМОВА,
Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти ходими.

Композитор хотираси

Атоқли композитор ва дирижёр, СССР халқ артисти, ажойиб инсон Мухтор Ашрафийнинг мемориал музейи доимо санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлади. Агар ҳозир композитор ҳаёт бўлганида 76 баҳорини қаршлаган бўларди. Шу муносабат билан композиторнинг сафдош дўстлари ва шогирдлари, Тошкент Давлат консерваториясининг студентлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрининг таниқли артистлари машҳур санъаткорини хотирлаш учун музейга тўпландилар. Кейинги олти йил мобайнида Мухтор Ашрафийнинг ме-

морнал музейида қизқарли ижодий учрашувлар ўтказиш афсонага айланиб қолди. Мазкур хотира нечасида СССР халқ артисти Саодат Қобулова, Тошкент Давлат консерваториясининг илмий ишлар бўйича проректори Т. Соломонов, консерватория доценти Д. Чахведзе ва бошқалар бастакорини ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзладилар. Сўнгра бўлиб ўтган концертда Мухтор Ашрафийнинг қатор опералардан етакчи партияларни ижро этувчилар С. Қобулова, Д. Чахведзе ва бошқалар ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Х. ИБРОҲИМОВ.

Лаҳзалар

Армонга айланган умр

ЎРТОҒИМНИНГ отаси уни аспирантурага киритадиган бўлиб қолди. У билан мактабда, кейин институтда бирга ўқиганман. Биламан, на билими, на билим олишга хоҳиши бор. Лекин катта лавозимдаги падари бузруквор ўғлининг олим бўлишини истарди. Иمتиҳонлардан ўта олмаслигига икки юз фозз амин эдим. У бўлса кулиб:

— Отаним билмайсанда, ўтаман, қараб тур ҳаммасидан «беш» оламан,— деди. Шундай бўлди ҳам. Энди онда-сонда учрашардик. Мен ишим билан бандман, у ўқийи билан. Аввал қўшни турган бўлсак, ҳозир бир-биримиздан анча олисда яшаймиз. Коттеж олиб кўчиб кеттишган.

Бир кунни учрашганимизда гапдан-гап чиқиб, ўртоғим ёрилиб қолди:

— Қаерда ишлайсан деб сўраганларга, ҳадеб ўқиялман дейиш ҳам жонига тегди. Аммо отам мени Фан доктори қилмоқчи.

«Ия» деб юборибман. Ўртоғим бўлса қулди:

— Ҳа, айтганден, кандидат бўлганимни айтмовдим-а, отам, ҳеч кимга билдирма, деган эдилар, кечир.

Мен уни табриклардим.

— Ишини фан доктори бўлиб бошлаш мингдан бир одамга ҳам насиб этмайди, бахтли экансан,— дея ўртоғимнинг елкасига қоқиб қўйдим.

— Ўттиз ёшга бориб қолдим, икки боланинг отасиману хали бир кун ҳам ишлаб кўрган эмасман. Дадам хотинимни ҳам ишлатмайдилар. Боласини боқсин, ҳали ишга улгурди, дейдилар.

— Ишлаганга улгурасан, устинг бут, қориниң тўқ бўлгандан кейин отаниң тирикчилигида ундан фойдаланиб қолавер, дўстим,— дедим кесатиб.

— Шундайми?— деди у кесатётганимни тушунай.— Онам ҳам отаниң тиригида одам бўлиб қол дейтилар!

Бир кунни, қай кўз билан кўрайки, дўстим улар ҳолатда, қўлида сумка, келаяпти:

— Тинчликми, анча озиб кетибсан, Худойкул?!

— Отаним кўриб келаялман.

— Бетобмилар?

— Йўқ. Анавиёқдалар.— Худойкул чайналиб гапирди.

— Ия, чатоқ бўлибдику... Отам зўр дердингу, йўлини топиб чиқиб келар.

— Йўқ, энди иложи йўқ.

— Ҳа, сенга оғир бўлибди, айтгандек, докторлигиниңи ёқладингми?

— Ҳа... лекин менга дипломи беришадими, йўқми... Отасиз қаерга ишга кираман.— Йиғлагудек бўлиб деди ўртоғим.

Эсиэ, бекор ўтган ўттиз йил умр.

Совға

КУНИ кеча ўғлим билан магазин айландик. — Абдоржон, байрам муносабати билан богча опанга бирор совға сотиб олсан яхши бўлармиди-а? Нима совға олиб берай?

— Ҳеч нима керак эмас, дада. Биз богча опамизга ўзимиз чизган расмларимизни совға қиламиз.

Нафасим ичимга тушиб кетди.

Тўлқин МУҲИДДИН.

Ранжитган бўлсак узр

Эълон ва эълончилар

Дунёда нима кўп эълон кўп. Улар симёғочларга, минг йиллик чироларнинг танасига, деворлар узишларига елималиб сарғайиб, чангда қолиб, ёмғирда ивиб ойнаб, ҳатто йиллаб ҳам қўй кетаверади. Бирок эълон остида одамнинг ё ташкилотнинг эсидан ҳам чиқиб кетиши мумкин улар. Мабоодо эслатгундай бўлсангиз, «Унутмаск» унутимизда, бир эълон экан,— деб кўя қолишадди. Бирок шундай идоралар ҳам борки улар эълонга жуда ўқ бўлишди. Шаҳар бўйлаб улар, деворлар, симёғочлар, подвезда зинчиларига эълон ёпиштириб

чиқмагунча кўнгиллари тўлмайди ҳам, уйқулар келмайди ҳам.

Гапни бўзганини калавасидай қўзмасдан, ахириси бир мисол келтирайлик. Мисол эмас, бир эълон. Мана, ўқинг:

«Ҳурматли истиқоматчилар! Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси [участкеси] истиқомат қондалари доирасида уй эгалари ҳисобидан квартиралар ремонтни бўйича ишларни бажаради. [Ойна қўйиш, қўлф ўрнатиш, дераза ойналари, эшик усуқналарини алмаштириш, электр симларни ремонтни,

сантехника, қурилиш ва бошқа ишлар].

Буюртмалар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: [номерлари].

Адрес: Сапёрная кўчаси, 33, Лоҳутний кўчаси, 13, Комсомоллар проспекти, 6-уй, 97-квартира.

Бажарилган ишлар қиймати прейскурант [яъни белгиланган нархда] бўйича олинадиган ва қонундаги квантиция асосида расмийлаштирилади. Буюртма тўловни буюртмачининг уйда амалга оширилади.

Ленин райони 1-бошқарма раҳбарияти».

Ана эълону, мана эълон! Бунини илк ўқиганимизда кўнглимиз адирдай эмас, тоғдай кўтариларди! «Хайрият дейсиз, бизда ҳам ишлар секин-аста йўлга қўйиларди, ажойиб кунларнинг бирида ҳаммаси изга тушиб кетар» дея яхши ният қилмасиз-да, шу захоти қайси бир нуноқ уш уқувчиларга ўрнатиб кетган эшитингиз эсингизга келадди. «Уста-ку алдиб кетди», дея уйлайсиз яна, бу— расмий идоракор, алдамас. Сим қоқасиз. У ерда сизга ширингина бир овоз «Эл» дейди, сиз дардингизни айтасиз, у эъти

олади, «Учтўрт кун ичда бориб эшитингизни тўзатиб берармиз» деб ваъдани қуюқ қилиб беради.

Уч кун... тўрт кун ўтади, ҳафта, ўн кун ҳам ўтади-ни улардан дарак йўқ. «Топпишолмағандир» деган андишга борасиз-да, яна «Кўнги-роқ қиласиз. Бу сафарги овоз «Хел» дегандай эшитиларди. Яна муддаонгизни айтасиз, яна «Адрес» дея эъти олишадди, яна «Уч-кун тўрт-кун» деб ваъда беришадди.

Яна ҳафта ўтади, ўн кун ўтади. Яна сим қоқасиз.

Биз сафар бошқарманинг бош инженери «Албатта юбюрамиз» деб ваъдани қуюқ қилиб беради.

Уч кун, тўрт кун, беш, ўн, ўн беш кун...

Яна кўнги-роқ қиласиз.

Бу сафар бошқарма бошқармани билан гапласиз, у кимгадир «Адресини ёзиб ол» деб буюради-ю, яна сизни ишонтиради. Яна...

Уч кунингиз ҳафтага, ҳафтанинг ойна улашиб ўтаверади ҳамки усталардан дарак бўлмайди, сиз бошқа кўнги-роқ

қилмайсиз, подвездингиз эшигиндаги эълонни юлиб олсангиз, йиртиб ташлайсиз: «Хел, эълоним: билан!»

Битта эълон сабаб бўлиб шунча сарғушаст содир бўлганига ақлингиз бовар қилмапти-я! Биз ҳам аввалига ишонмаганимиз. Бошдан ўтказган табиб деганларидай энди ишониб ўтирибмиз.

Эълончиларнинг ўзи қандай муносабат билдиради — бу ниси бизга ҳали қоронғу...

С. Салоҳиддинов.

Илм-фан ишлаб чиқаришга

Иқтисодий САМАРА БЕРАДИ

Маълумки, сунъий ипни калавага, ундан сўнг таъзим ёки трикотажга айлантиришдан олдин унга қўшимча ишлов бериш керак. Фаргона политехника институтининг олимлари бу ердаги химиявий тола заводи мутахассислари билан биргаликда шу мақсад учун самарали қўрилма ишлаб чиқдилар.

Ҳозирга қадар тўқимачилик ишлаб чиқариш практикисига ипни мойлашнинг бир неча усули бор эди. Аммо уларнинг ҳаммасига битта умумий камчилик хос эди: ишлов бериш текис чиқмайди, бу эса калава сифатини пасайтириб юборади. Фаргоналиклар яратган содда қўрилма ип бир текисда мойланганини татминлайди ва ишлов бериш режимиини ростлаш учун катта имкониятлар беради.

Ишлаб чиқариш синовларининг кўрсатишича, бу янгилик табириланадиган ипни пишиқ қилади, меҳнат сарфини камайтиради. Мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, Фаргона химиявий тола заводида бундай қўрилмадан фойдаланиш йилига ўн минглаб сўм иқтисодий самара беради.

Бу иш СССР Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари выстависига бронза медалга сазовор бўлди, қўрилма Греция ва Хитой Халқ Республикасидаги санъат вистаналарида кўрсатилди. Ҳозир Болшек «Химволокно» ишлаб чиқариш бирилмасининг ва мамлакатдаги бошқа турдош корхоналарнинг мутахассислари бу ипни қўрилмага қизиқиб қолдилар.

(ЎзТАГ муҳбири).

Ҳар тўғрида

Жаҳон рекордидан ортади

НЬЮ-ЙОРК. Флорида штатининг Таллахасис районидаги машҳур оҳақ тошли горларнинг ер ости тунеллари бўйлаб икки ярим километрдан кўпроқ сузган туртоволон америкалик бирданга иккига рекорд қўйди. Доворан йитилар сузиб ўтган масофа бундан аввал Англиядаги Келдхед шаҳарчасида бўлган гор тадиқотчилари ўрнатган тадиқотдан 600 метр ошади. Шу тадиқот сабаб чопида ер ости суви сузувчиларини ер юзидан 72 метр пастта туширди, бу ҳам жаҳон рекордидан ортади.

Аммо америкалик тадиқотчилар ер ости суви йўлига рекорд ўрнатиш учунгина тушганлари йўқ. Сабабдан мақсад тунеллар харитасини тузиш, яъни намуналарини йиғиш ҳам горларнинг геологик тузиллишини ўрганишдан иборат эди. Олинган материалларнинг катта илмий аҳамияти бор. Олимлар шу материаллар ёрдамида ёш кирик миллионга борадиган бу горлар мексика қўрғазига қўйилган ер ости дарёлари билан боғланганлигини далилларини олишини мўлжалламақдалар.

Қимматбаҳо танга

ҚОҲИРА. Олимлар Қоҳира билан Искандария ўртасида жойлашган Нубария қишлоқ ҳўналик комплексини территориясидан дафна топиладилар. Топилган 224 та қимматли ҳар хил танга Мисрда итолемеялар сулоласи даврига, шу жумладан малика Клеопатра ҳўқмонлиги қилган даврга тааллуқлидир. «Ал-Ахром» газетасининг маълум қилишича, тангалар Искандариядаги Грек-Гим музейига берилди.

Рухсатнома берилди

ДЕХЛИ. Ҳиндистондаги Карнатака штати кооперативларидан бирининг хизматчиси Рави Айтхала Путур шаҳридаги уйлардан бириди ўз хонасида бир йўла 76 та заҳарли илон боқмоқда, деб хабар беради ЮПИ агентлиги. «Бунини бирон наф қўриш учун қилган, деб ўйланган, — дейди Рави, — Аксинча, илонлар маошимини қарийб ярмини «еб битади». Лекин мен ўз илонларимни жуда ёқтираман, улар менга тезда ўрганишиб қолишди». Йқин атрофдаги уйларнинг аҳолиси эса Равининг бу ишдан норози. У штат бош министрга ариза ёзганидан кейингитанга кўп йилчилик билан илонларни боқишга рухсатнома ола билди. Уни бундай қийинчиликлар қўчига олмайдилар. У 76 та илон билан илмий ҳақиқатда, келажакда илонларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида китоб ёзмоқчи.

(ТАСС).

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.


Унутилмас таассуротлар

Агар инсоният фотоаппаратни кашф этмаганида қанчадан қанча ёрқин воқеалар хотирадан ўчиб кетарди! Кичик бир сурат неча йиллар ўтган, унутилиб кетган воқеаларни ёдингизга солади. Қиш кунлари альбомни арақлаб, ўтган ёз тафсилотини эслаш қандай ёқимли: мана сиз балиқ овдасиз. Мана булар қувноқ ҳамроҳларингиз: улар қармоғингизга илинган шох-шаббадан

қотиб қулишарди. Ёнингизда эса содиқ итнингиз.

Отпусқа пайтида қаерга боришингиздан қатъий назар ўзингиз билан фотоаппарат олишни унутманг. Агар суратга олишни эндигина ўрганаётган бўлсангиз пухта ишлайдиган, муомаласи содда аппарат олишни маслаҳат берамиз. Масалан, «СМЕНА-СИМВОЛ», «ЭЛИКОН-35С», «ЛОМО-КОМПАКТ», «АГАТ-18» шулар жумласидандир.


равар кўп кадрини суратга олади. Сабаби, унинг кадрлари ҳажми 18х24 миллиметрли ташкил этади. Экспозиция параметрлари об-ҳаво раъсий белгиларига қараб ўрнатилади. Объективи ёруғликка ўта сезгир. Баҳоси — 19 сўм.



«КИЕВ-35А» фотоаппарати саёҳатчининг содиқ ҳамроҳи бўлиши мумкин. У шу қадар кичикки, нафтиниғизга жойлашади, шу билан бирга айниқса сафар пайтида зарур бир қатор афзалликларга эга:

кириб-чиқадиган объектини бўлганлиги учун у ихчам; секундининг ўндан тўрт ва 500 дан бир улушигача бўлган видержка диапазони кенглиги фотоаппарат билан уй ичида ҳам, кўчада ҳам сурат олиш имконини беради;

видержкани автоматик ростлаш ва марказий электрон затвор мавжудлиги туфайли тез-тез суратга олиш мумкин. Янги, беш линзали, қўлқаватли ёритгич оптикиси бўлган «МС Корсар-2.8/35» объективи суратнинг юқори сифатли чиқишини таъминлайди. Кадрнинг формати 24х36 миллиметр. Тўртта СС-32 элементдан қувват олади. Вазни — 210 грамм, баҳоси — 85 сўм.



«ЗЕНИТ-ЕТ» фотоаппарати билан ҳаваскор сураткаш ҳам аъло сифатли сурат олиши мумкин.

«ЗЕНИТ-ЕТ» кенг техник имкониятларга эга. Айланмайдиган видержка детали затворнинг аниқ ва пухта ишлашини таъминлайди. Френель линзаси эса объект тасвири-



нинг бир маромда ёритилишини, тасвир ўртасидаги микропирамиди тасвирнинг аниқ бўлишини таъминлайди.

«ИНДУСТАР-50-2» объективли фотоаппаратнинг баҳоси 77 сўм. «ГЕЛИОС-44-2» ва «ГЕЛИОС-44М» объективли аппаратнинг баҳоси — 100 — 135 сўм.

Тажрибали фотографларга бирмунча мураккаб фотокамераларни тасвир этамиз.

«КИЕВ-60 ТТЛ» — «ТТЛ» призма визирли, ўрта форматли, қўзғулди фотокамерадир. У машҳур «Киев-6С ТТЛ» модели базасида ишлайди. «МС Волна-3» объективи билан таъминланган.

Объектив ташлама гайкали байонет билан маҳкамланган «КИЕВ-6С», «КИЕВ-6С ТТЛ», «ПЕНТАКОН-СИКС» фотоаппаратларнинг олинмадан объективлари билан ишлаши мумкин. Аниқлик хира сатҳга, микроастр ва понага қараб ростланади. Синхронлаштирувчи қурилма импульсли ёритгич лампа билан суратга олиш имконини беради, бунинг учун крошптейн мавжуд.

Кадрнинг ҳажми — 60х60 миллиметр. Кадрлар сони — 12 та. Видержка диапазони — 1/1000-1,2 секунд. «В» (қўл билан).

Баҳоси — 690 сўм.

«КИЕВ-88» фотоаппарати ҳам унутилмас таассуротларни қозонда муҳрлаш имконини беради. Ана шу ўрта форматли, қўзғулди фотоаппаратнинг алмашириладиган икки кассетаси бор, бу қарақ, рангли пленкаларга ва слайдларга

оператив суратга олиш имконини беради.

Камера кучли «МС Волна-3» объективи билан комплексланади. Аниқлик микроастр, хира сатҳга ва понага қараб ростланади. «Киев-88» камераси учун фокус масофаси диапазони 30 миллиметрдан 250 миллиметргача бўлган алмашириб турилувчи объективлар ишлаб чиқарилади. Объективларни затворнинг ҳар икки ҳолатида ҳам алмаштириш мумкин.

Кадрнинг ҳажми — 60х60 миллиметр. Кадрлар сони — 12 та.

Видержка диапазони 1/1000-1,2 секунд. «В» (қўл билан).

Баҳоси — 625 сўм.

«Киев-88 ТТЛ» фотоаппарати «ТТЛ» пентапризмаси билан комплексланган «Киев-88» аппаратнинг бир қўринишидир. Янги модель кадр композициясини билан ишлашда қўшмача қулайликлар яратди. Шу билан бирга «ТТЛ» экспозиция тўғри танланишини таъминлайди.

«КИЕВ-88 ТТЛ»нинг баҳоси — 919 сўм.

ЯХШИ ДАМ ОЛИНГ! БИР БИРИДАН ЧИРОЙЛИ СУРАТЛАР ОЛИНГ!

«СООЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТ-ТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Билим юртига кириш учун қўйидаги ҳужжатларни топшириш лозим; ариза, аттестат ёки маълумот ҳақидаги ҳужжат, характеристика, медицина справкиси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-й (10, 44, 56, 85, 88, 179-автобусларнинг «Семашко номи институт» бекати) Телефонлар: 34-55-73, 34-55-51.

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 2-ПОЛИГРАФИКАЛ

ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

БИЛИМ ЮРТИ ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ФОТОНАБОР ЭЛЕКТРОН ҚУРИЛМАЛАРИДА ИШЛОВЧИ ОПЕРАТОР, КОРРЕКТОР-НАБОРЧИ, ОФСЕТ БОСМА ПЕЧАТНИКЛАРИ, ЛИНОТИПЧИ, ХАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТНИК ВА МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 15-18 ЁШДАГИ 8-10 СИНФИ ТАМОМЛАГАН Ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва хунардан олганликлари ҳақида диплом олади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал ёсик оват билан таъминланадилар.

10-синфин битирганлар учун ўқиш муддати 1 йил бўлиб 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

9-синфин тамомлаганлар II курсга қабул қилинадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтлари, Тошкент ўқимачилик институтлари полиграфия бўлимига ўқишга юбориладилар.

Ўқиш муддати узлуksиз меҳнат стажига кирди.

Билим юртида ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Зарурчи ҳолларда ётоқхона берилади.

Ўқиш 1 СЕНТАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, тутилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор району, Нурхон кўчаси, 21-й (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси).

4 ИЮЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» (17.30, 19.40, 21.40).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ПАРИЖ — ТЕХАС» (16, 18.30, 21.00).
Дружба — «НЬЮ-ДЕХЛИ ТАЙМС» (18, 20.30).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОИЛАВИЙ ХАЁТ» (17, 20.00), «ШУРА ВА ПРОСВИРЯК» (жуфт соатларда).

Ватан — «ЙУЛДАН ОЗИШ» (17, 19, 20.45).
Москва — «ФЕРУЗА МАРЖОН» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Нукус — «КУРОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (19.30, 20.45), «ИККИ ЕКЛАМА ҚОПҚОН» (ўзбек тилида, 17.00).

ЎзССР 25 йиллиги — «ЙУЛДАН ОЗИШ» (тоқ соатларда).
Лисун номи — «АЕЛ ВА ТУНГИЗ РАСМИ ТУШИРИЛГАН ФОТОСУРАТ» (тоқ соатларда).

Санъат саройи — «СЕВГИ КУЧИ» (катта зал, 16, 18.30, 20.45).
Восток — «ТУНГИ ЭКИПАЖ» (жуфт соатларда).

Фестиваль [ёзи] — «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» (22.00).
Хива [ёзи] — «ТУНГИ ЭКИПАЖ» (22.00).

5 ИЮЛДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» (11, 13.10, 15.20, 17.30, 19.40, 21.40).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ПАРИЖ — ТЕХАС» (11, 12.30, 16, 18.30, 21.00).

Дружба — «НЬЮ-ДЕХЛИ ТАЙМС» (11, 14, 17.20; 12, 15, 18, 20.30).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ОИЛАВИЙ ХАЁТ» (11, 14, 17, 20.00), «ШУРА ВА ПРОСВИРЯК» (жуфт соатларда).

Ватан — «ЙУЛДАН ОЗИШ» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).
Москва — «ФЕРУЗА МАРЖОН» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Нукус — «КУРОЛСИЗ ИНСПЕКТОР» (11, 13, 15, 19.30, 20.45), «ИККИ ЕКЛАМА ҚОПҚОН» (ўзбек тилида, 17.00).

ЎзССР 25 йиллиги — «ЙУЛДАН ОЗИШ» (тоқ соатларда).
Лисун номи — «АЕЛ ВА ТУНГИЗ РАСМИ ТУШИРИЛГАН ФОТОСУРАТ» (тоқ соатларда).

Санъат саройи — «СЕВГИ КУЧИ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Восток — «ТУНГИ ЭКИПАЖ» (жуфт соатларда).

Фестиваль [ёзи] — «ЯНГИ АМАЗОНКАЛАР» (22.00).
Хива [ёзи] — «ТУНГИ ЭКИПАЖ» (22.00).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи 44.21-44, 44.21-34, 44.21-74.
Чайка — 77.06.20.
Тошкент 50 йиллиги — 78.47.25.
Қозғонистон — 35.24.92.
Ватан — 74.30.39.
Восток — 91.14.61.
Дружба — 87.96.87.
Москва — 68.68.61.

Репертуардаги ўғатришлар тўғрисида кинотеатрлардан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министригининг «Устропроект» трестига қарашли

«ЦЕМТЭПЛОСТРОЙ» ИХТИСОСЛАШГАН БОШҚАРМАШИ

ғишт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчилар, монтажчилар, сувоқчилар, бетончилар, газ-электр пайвандчиларини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бошқарма коллектив пудратда ишлайди.

Мухтож кишилар уй-жой, хоҳловчилар — хусусий ва кооператив қурилиши билан таъминланадилар.

Муронавт учун адрес: Тошкент шаҳри, Юнусовод массиви, 2-СД, қурилиш штаби (8, 9, 24, 51, 60а, 72а, 91а автобуслар; 25, 28, 29-трамвайларнинг «Шахристон кўчаси» бекати).

ДИҚҚАТ!

Иссиқлик трассасининг реконструкция қилиниши муносабати билан

6 ИЮЛДАН 16 ИЮЛГАЧА

Қишлозор масфасининг 7-квартали, Гафур Гулом кўчаси, Оқтепа массивига

ИССИҚ СУВ БЕРИШ ТЎХТАТИЛАДИ

«ТАШТЕПОСЕТЬ» корхонаси. (Телефон 33-32-32).

Тошкент шаҳар Октябрь районидagi 157-ўрта мактаб томонидан Раҳимов Шаҳноз Абдикаримовна номига берилган 732626 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ АДВОКАТЛАР КОЛЛЕГИЯСИНING ЮРИДИК КОНСУЛЬТАЦИЯСИ

кооперативларга хизмат кўрсатиш юзасидан томонларнинг қилишувига кўра ҳақ тўлаган ҳолда

ЮРИДИК ЎРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТЎЗАДИ

— Кооперативлар ҳақидаги Ўстав лойиҳалари ва Низоомларини ишлаб чиқади;

— кооперативларнинг ташкил этиш ва ҳужалик фаолиятини юритиш, уларнинг ҳокимият ва бошқарув органлари билан ўзаро алоқалари масалалари юзасидан кооперативларнинг раҳбарларига консультациялар беради;

— шартномавий ишда иштирок этади;

— кооперативларнинг мол-мулк манфаатларини ҳимоя қилади;

— кооперативларнинг ҳужалик ва молвий фаолиятидаги қамчиликларни баргаф этиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

— ҳукудий тушунтириш ишлари олиб боради ва бошқа хизматларни кўрсатади.

Справкар юзасидан қўйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 53-й. Телефонлар: 33-13-83, 33-79-65, 33-99-69.

Ташлим даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқишга марҳамат!
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ
1988-1989 йўқв йили учун
22-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— замонавий кийимларни моделлаштириш малакасига эга эркаклар, аёллар, болалар кийим-кечалари тикувчилари.

Ўқиш муддати: 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 1 йил.

— аёллар ва болаларнинг енгил қўйлақларини тайёрлаш бўйича тикувчи-мотористка.

Ўқиш муддати: 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 6 ой (мажбур ихтисослик бўйича ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида таълим олганлар учун);

— эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини тикувчи-мотористка.

Ўқиш муддати: 8-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 2 йил (кечки мактабларнинг 9 ва 10-синфлари қўла-мида ўрта маълумот олиш билан бирга);

— тикувчилик ишлаб чиқаришнинг контроллери.

Ўқиш муддати — 10-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 1 йил.

Ўқишга Совет Армияси сафарида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшлар қабул қилинади, уларга 70 сўм стипендия берилади.

Ўқишга Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 8-10 синфларини тамомлаган ўқувчилар ҳам қабул қилинади.

3 йиллик таълим программаси бўйича билим юртини тамомлаганларга касб эгаллаганлиги ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

8-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ўқиш даврида бепул форма ва 2 маҳал оват билан, 10-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар ойна 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

6 ойлик таълим гуруҳлари ўқувчиларига 70 сўм стипендия тўланади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмасида ўтказиладиган практика даврида ўқувчиларга улар ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 проценти берилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.



«Тошкент оқшони»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартиясини Марказий Комитети наشريётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаханаси. Тошкент шаҳри.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳаёқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар ҳўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртилари — 32-53-10; физкультура ва спорт; ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; акробат — 32-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик — 33-08-42, 32-53-86; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.